Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 23 YANVAR, JUMA, 11 (7472) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Россия Президенти Самарқандда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИГА БИНОАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДМИТРИЙ МЕДВЕДЕВ 22 ЯНВАРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида кутиб олди.

Ўзбекистон-Россия муносабатлари иттифоқчилик ва стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтармоқда.

Ўзбекистон ва Россия муносабатларида иқтисодий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган юзлаб қўшма корхона фаолият юритмоқда. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бизнес-форумлар, кўргазмалар мунтазам равишда ўтказиб келинаётир. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Россия Президенти Дмитрий Медведев Улуғбек расадхонасини, Ҳазрати Дониёр ва Гўри Амир мақбараларини зиёрат қилди. Миллий меъморчиликнинг ноёб обидаларидан бири Регистон мужмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Мажмуадаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари Россия Президентида унутилмас таассурот қолдирди. Президентлар бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар. Дмитрий Медведев Самарқанд қоғози тарихи билан қизиқди. Олий мартабали меҳмонга миллий давлатчилигимиз, қадимий обидалар тарихи, юртимизда қадимдан шаҳарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожлангани ҳақида маълумот берилди. Икки давлат раҳбарлари, шунингдек, Сиёб бозорини бориб кўрдилар.

Қадимий шаҳар билан танишувдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанддаги қароргоҳида Ислом Каримов билан Дмитрий Медведевнинг суҳбати бўлиб ўтди.

– Сизни бой тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳрида қутлащдан мамнунман. Бу шаҳарни бир бор кўрган одам уни қайта-қайта зиёрат қилгиси келади. Самарқанднинг ўзига хос, бетакрор ҳавоси, иқлими, табиати бор. Ишонаманки, бу ердаги учрашувлар, умуман ташриф Сизда унутилмас таассурот қолдиради, – деди Ислом Каримов.

– Ўзбекистонга таклифингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этаман. Ташриф Самарқанддан бошлангани чуқур рамзий маънога эга. Шаҳар менга жуда ёқди. Жаҳон цивилизациясининг дурдоналаридан бўлган ушбу шаҳар ўзининг тарихий салоҳияти билан ҳам, кўплаб тарихий воқеалар шу ердан бошлангани билан ҳам башарият тарихида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз томоша қилган тарихий обидалар бир умр ёдда қолади. Ниҳоятда гўзал шаҳар. Сизнинг бу шаҳарнинг ўзига хос ҳавоси, иқлими, табиати борлиги ҳақидаги фикрингизни тўла қўллаб-қувватлайман. Бозордаги тўкинлик, одамларнинг очиқ чеҳралари мени ҳайратга солди, – деди Дмитрий Медведев.

Шу куни оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Президенти Дмитрий Медведев Тошкентга келди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Самарқанд—Тошкент

СУРАТДА: *225-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна раҳбари (ўнгдан иккинчи) Абдумажид Ғаппоров, қурувчилар (чапдан) Абдурраҳмон Қурбонов, Бурҳон Эшонқулов ва Элмурод Эшназаров.*

БУНЁДКОРЛАР ШИҲОАТИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг қўлами "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да янада кенгаймоқда. Китоб туманининг Бештерак қишлоғида 615 ўринга мўлжалланган уй-жой, коммунал касб-ҳунар коллежи қурилиши бошланганлиги ҳам ушбу хайрли ишларнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Коллежни тумандаги 225-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна жамоаси барпо этмоқда. Уни янги ўқув йилигача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Шомурод ШАРОПОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Қашқадарё вилояти

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Алишер Қодиров Подшоҳ, Икки муқаддас масжид ходими Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Саудга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросими чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ ВАКИЛЛАРИ ПЕКИНДАГИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМДА ИШТИРОК ЭТДИ

Пекиндаги «Дяоюйтай» давлат қароргоҳида «Санъат ва Дунё» халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Хитой халқаро муаммолар институти жамғармаси Халқаро тадқиқотлар алмашинуви маркази томонидан ХХР ташқи ишлар, маданият вазирликлари ва рассомлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуман ишида халқаро ташкилотлар, Пекиндаги хорижий дипломатия ваколатхоналари, хитойлик, шунингдек, МДҲ, Словакия, Австралия ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган санъатшунос ва рассомлар, Хитой вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан бир қаторда Ўзбекистон Бадиий академияси вакиллари ҳам иштирок этди.

Симпозиумда маданий мулоқотларни ривожлантириш зарурлиги, ҳар бир мамлакатда замонавий санъат тамойилларини ривожлантириш ва маданий меросни асраб-авайлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур халқаро тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда бугунги кун бадиий санъати, хусусан, илдизлари қадим ўтмишга бориб тақалувчи маънавий анъаналардан озуқа олган тасвирий санъатнинг ривожланишига оид маълумотларга эга бўлди. Улар шунингдек, ўзбек халқи миллий дунёқараши тикланган, моддий ва маънавий маданият ёдгорликларида уйғунлашган тарихий-маданий мерос ва ноёб бадиий анъаналарни англаш жараёнлари янги поғоналарга кўтарила бошлаган мустақил Ўзбекистон тараққиётининг янги даври билан ҳам танишди.

«Санъат ва Дунё» симпозиуми доирасида хитойлик ва хорижий рассомлар суратлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган Ўзбекистон Халқ рассоми, Республика Бадиий академияси академиги Акмал Нур мўйқаламига мансуб асарлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмага ташриф буюрганлар ўзбекистонлик мусаввирнинг «Дойра мақоми», «Иссиқ нон», «Бедананинг сайраши» каби суратлари орқали шарқ санъатининг шеърий гўзаллиги, кузатувчанлиги ва тасвирли рамзийлигидан бевосита баҳра олиш имкониятига эга бўлди.

«Жаҳон» АА

Пекин

Кунниг муҳим воқеалари

О Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 январь куни Оқсаройда Россиянинг «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон компаниялари билан «Лукойл» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

О Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Солиҳ Иноғомов ушбу мамлакат президенти Пратибха Патилга ишонч ёрлиқларини топширди.

О Токиода «Япония–Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси аъзоларининг ўтган йил якунлари, уюшма фаолиятини баҳолаш ва мамлакатларимиз ўртасидаги 2009 йилда ҳамкорлик истиқболларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Япония бош вазири маслаҳатчиси ва парламент вакиллик палатаси депутати Кёко Накаяма, собиқ бош вазир Шинзо Абэнинг рафиқаси — Акиэ Абэ хоним, «кунчиқар мамлакат»нинг юртимиздаги собиқ элчиси Коичи Обата, Марказий Осиё ва Кавказ институти ижрочи директори Тецужи Танака, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, илмий ва ишбилармон доира вакиллари иштирок этди.

О "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Республика Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Қалбимда Ватан мадҳи" кўриктанловининг Наманган вилояти босқичи бўлиб ўтди. Наврўз умумхалқ байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган мазкур танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туманларда ғолиб чиққан йигирмадан зиёд ёш хонанда ўз маҳоратини намойиш этишди.

Гулистон шаҳрида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда "Ursa-Minor" қўшма корхонаси ишга туширилди.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Хорижий сармоядорлар мазкур корхонани ишга тушириш учун бир миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди. Бир кеча-кундузда 30 тонна мевани қайта ишлаш ва қуритиш қувватига эга бўлган ушбу корхонада олтмиш киши доимий иш билан таъминланди.

Айни пайтда корхонага замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш линиялари ўрнатилди. Хомашё етказиб бериш бўйича ўндан зиёд фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланди. Бу ерда 18 турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга чиқарилади.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Сирдарё вилояти

АСЛ ДЕҲҚОН ҲОСИЛНИНГ ТОННАСИДАН ЭМАС, ТОЛАСИДАН МАНФААТДОР

2007 йил ҳосили қайта ишлангандан сўнг "Сўфиқишлоқ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти фермерларга қарийб 360 миллион сўм қўшимча ҳақ тўлаб берди. Бунга қадар пахта етиштирувчи фермерлар толанинг меъёридан ортиқ чиқиши ҳисобига қўшимча ҳақ олиш бўйича тасаввурга ҳам эга эмас эдилар.

Шу кунларда ҳиссадорлик жамияти корхонасида 2008 йил ҳосили қайта ишланмоқда.

– Ўтган йили корхонамиз Жалақудуқ ва Кўрғонтепа туманлари фермерлари томонидан етиштирилган 35 минг 215 тонна пахтани қабул қилиб олди, – дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Акбаржон Мусаев. – 20 январь ҳолатига 9934 тонна ҳосил қайта ишланиб, 3260 тонна тола, 5100 тонна чигит, 260 тонна момиқ олинди. Дастлабки натижалар қиёси тола чиқиши мўлжалдагига нисбатан 0,4 фоиз юқори бўлаётганини кўрсатаяпти.

Корхона бош муҳандиси Абдуғани Назаров билан қуритиш-тозалаш жараёнларини кузатар эканмиз, иш ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бамаслаҳат ечилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Тола ва момиқ ажратиш цехларидаги механизмларнинг бир маромда ишлаши учун ишчилар ва усталар етарли малакага эга. Муроджон Сайдалиев, Латифжон Сиддиқов, Тожибой Анарбоев каби смена усталари саъй-ҳаракати билан кунига 55 тоннагача тола тайёрланмоқда. Уларнинг таъкидлашича, сифати юқори пахтадан ўртача 33-34 фоиз тола олинаётганлиги корхона фаолиятига ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Президентимиз фермерлар билан учрашган чоғларида ҳар бир ҳудуд табиатига мос ғўза навлари бўлишлиги ҳақида гапирадилар. Сўнгги йилларда ана шу талабдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти Андижон филиали селекционерлари томонидан водий табиатига мос ғўза навлари яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Улар маҳсули сифатида "Андижон-35", "Андижон-36" ва "Андижон-37" навларини келтириш мумкин. Айниқса, тоғолди ҳудуди бўлмиш Кўрғонтепа туманида юқоридаги ғўза навлари сувсизликка чидамлилиги, юқори ҳосилдорлиги ва энг асосийси, тола чиқиши кўплиги билан фермерларнинг ишончини қозонди.

Ғолибжон Мамадалиев, Одилжон Хурбоев, Мадаминжон Исмоиловлар бошқараётган "Келажак садоқати", "Сардор пахтакор", "Акбаршоҳ саховатлари" фермер хўжаликларида ҳар гектар ердан 46,7-45,2 центнергача ҳосил олинди. Унинг аксарияти биринчи навга қабул қилинди. Бугун кўрғонтепалик аксарият фермерлар янги навларнинг истиқболи ҳақида ишонч билан сўзлашади. Бу юқори ҳосилдорлик баравараида сифат ошиши, ривожланишга омил бўлишини теранроқ англаб бораётганидан.

"Сўфиқишлоқ" пахта тозалаш корхонасида фермерлар билан ҳамкорлик қилишнинг янги жиҳатларини жорий этиш ҳаракати бормоқда. Жумладан, Алижон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган "Оқ сув" фермер хўжалигида етиштирилаётган пахта уч йилдан буён тайёрлов масканида алоҳида бунтга олинаётир. Бу тажриба корхонага ҳам, фермерга ҳам бирдек наф бераётганлиги яққол кўриндики, бу усулни кенг жорий этиш иқтисодий самарадорликка тўла мос тушади.

– 2009 йил ҳосили учун 750 тонна яқин уруғлик тайёрлашимиз керак, – дейди цех бошлиғи Исроилжон Жўраев. – Ҳозиргача 200 тонна туксизлантирилган сара уруғ тайёрланиб, дорилаб қўйилди. Туксизлантирилган ва дориланган уруғлик чигитни тиним даврини ўташи учун экинтикин даври бошланишидан бир ой аввал белгиланган режани бажариш ҳаракати бормоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг янада унумли ишлашлари учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнига ўзларининг таклифлари ва рационализаторлик ихтиролари билан ижобий таъсир кўрсатаётган ишчи-хизматчилар мунтазам рағбатлантирилиб борилмоқда.

Фермернинг қишлоқда катта салоҳиятга эга бўлиши учун берилаётган кўмак, албатта, эртага ўзининг мевасини беради. Буни яхши англаган қайта ишловчилар фермерларга маҳаллий ўғит жамғаришда, биолабораториялар фаолиятини яхшилашда яқиндан ёрдам беришаётир. Жорий йилда ҳар бир фермер хўжалигида 100 донадан парранда парвариш қилиниши учун ушбу корхона ҳам ёрдам беришга ҳозирлик кўрмоқда.

Фермернинг иши қанчалик олдинга юришса, бундан пахта тозаловчилар ҳам баҳраманд бўлишади, албатта. Пахта тозалаш корхонасида қайта ишланаётган ҳосилдан олинаётган маҳсулотларнинг чиқиши меъёр талабларидан юқори эканлиги қанча барқарор бўлар экан, бу нафақат тармоқ учун, балки фермер учун манфаатдорликни оширади. Буни яхши англаган қишлоқ мулкдорлари айни пайтда келгуси ҳосилнинг мўл ва сифатли бўлиши учун пойдеворни мустаҳкам қураяптилар.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Андижон вилояти

○ *Пахта тозалаш саноати*

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Қарор ва ижро

ҚОҒОЗБОЗЛИКНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛАВЕРАДИ

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ҳамда ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида республикамиз Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди.

Мазкур қарорнинг талабига кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилиши, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, адлия органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Ариза-хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиши юклатилди.

Қарор талаблари ижросини амалда таъминлаш мақсадида бошқармамиз ходимлари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, қарор ва ушбу қарор билан тасдиқланган Низомнинг мазмун-моҳияти юзасидан жойларда ҳокимлик ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси, солиқ статистика ва ички ишлар идоралари ҳамда тадбиркорлар иштирокида учрашув, давра суҳбатлари, семинар-йиғилишлар ташкил этилиб, мазкур қарор ва Низом талаблари йиғилиш иштирокчилари эътиборига етказилди.

Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳолати мазкур қарор ва Низомга мувофиқлиги танқидий ўрганиб чиқилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда масъулиятсизликка йўл қўйганларга нисбатан кескин чоралар кўриб келинмоқда.

Масалан, Қўшработ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги инспекция фаолияти ўрганилганда, инспекция ходимлари томонидан "Орзумурод Жавоҳир" фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишда фермер хўжалигидан аукцион савдоси баённомаси ва вилоят ҳокимининг йиғилиш баённомаси ортиқча талаб қилиб олинган.

Худди шундай "Ҳуррият қалдирғочлари" фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишда бизнес-режаси, "Обой тоғ лочинлари" хусусий корхонасини давлат рўйхатидан ўтказишда почта манзили тўғрисидаги маълумотнома ортиқча талаб қилиб олинган.

Шу билан бирга 2008 йил давомида ўтказилган ўрганишлар жараёнида хусусий ва кичик корхоналарни, масъулияти чекланган ва акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказишда муддатларга риоя қилмаслик, ортиқча ҳужжат талаб қилиш, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик ва бошқа шу турдаги 68 та ҳолатда давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ходимлари томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида 12 та тақдимномалар киритилди. Шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, инспекция ходимлари ҳисобидан етказилган маънавий зарарларни ундириш тўғрисида 183 та даъво аризалари киритилди.

Инспекцияларнинг 10 нафар ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди, 4 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ҳозирда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ортиқча қоғозбозликка қарши курашишни янада жонлантириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Комил БАҲРИТДИНОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

2008 ЙИЛ ҲАҚИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Ўзбекистон фуқаролари 2008 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишини, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, шунингдек, республикамизда фаолият кўрсатаётган етакчи сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий институтлар фаолиятини қандай баҳолайди? Ушбу саволларга "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтган йил якунлари бўйича ўтказилган ижтимоий тадқиқот давомида жавоб олинди.

Сўровда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри вакиллари, шаҳар ва қишлоқ аҳли, эркак ва хотин-қизлар, ёши, миллати ва маълумоти турли хил бўлган кишилар иштирок этди. Бу маълумотлар ишончли ва аниқ бўлишини таъминлади.

Сўров қатнашчиларининг умумий фикрига кўра, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, миллий давлатчилик, эркин жамият асосларини қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда улкан муваффақиятларга эришди ҳамда халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Сўров Ўзбекистон эришган ютуқлар, унинг ички ва ташқи сиёсати жамиятимиз ва аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётганини ёрқин намоён этди. Масалан, фуқароларимизнинг аксарияти (90,7 фоизи) мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан қаноатланишини билдирди ҳамда уни "яхши ва барқарор" деб баҳолади. Шуниси эътиборга лойиқки, бу кўрсаткич сўров ўтказилган йиллар давомида барқарор сақланиб келмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш жамоатчилик фикрини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиз аҳолиси буни Ўзбекистоннинг нафақат 2008 йилдаги, балки истиқлол йилларида қўлга киритган энг катта ютуғи, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, жамоатчилик фикри давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг энг яхши кўзгуси ҳисобланади. Фуқароларимизнинг иқтисодиёт соҳаси ривожидан (85,4 фоиз), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлардан (87,1 фоиз), инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасидан (89,1 фоиз), фуқароларнинг шахсий хавфсизлигидан (94,1 фоиз) ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдан (86,6 фоиз) қониқиш ҳосил қилаётганининг юқори кўрсаткичлари ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришиш борасидаги муваффақиятлари фуқароларимизнинг мамлакатни ривожлантириш истиқболларини баҳолашида бевосита ўз аксини топмоқда. Сўралганларнинг аксарияти республикамизнинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳақида ижобий фикр билдирди.

Сўров давомида олинган маълумотлар Юртбошимиз раҳбарлигида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар замирида аввало одамларимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш мақсадлари мужассамлигига мамлакатимиз аҳолисининг ишончи комил эканини тасдиқлайди. Ҳамюртларимизнинг фикрича, бунга иқтисодиёт ва аҳоли даромадининг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш туфайли эришилмоқда. Жумладан, респондентлар тадбиркорлар ва фермерлар ўз оиласи фаровонлигини яхшилашга интилаётганини қайд этди. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати самарадорлигининг ёрқин кўрсаткичларидан биридир.

Мол-мулк тўплаш кўрсаткичи аҳолининг пул даромадлари билан бевосита боғлиқдир. Айнан оилалардаги узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари уларнинг мулкка эгалик даражасини белгилайди. Сўров натижаларига кўра, 2008 йилда аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражаси ошди. Масалан, оилаларнинг 32,2 фоизи бугунги кунда шахсий автомобилга эга, қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этади.

Одамларнинг Ўзбекистонда яшаш учун қолишга интилишининг кучайиши ҳам намунали кўрсаткич ҳисобланади. Сўровда қатнашган фуқароларнинг аксарияти (89,5 фоизи) яшаш жойини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистонни тарк этишни истамайди. Бу эса мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча аҳоли қатламлари учун, қайси ҳудудда яшаши, жинси, ёши, миллий ва диний мансублиги, ижтимоий мақоми, моддий таъминот даражасидан қатъи назар, етарлича ижтимоий-иқтисодий қулайликлар яратилганидан далолат беради.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг нафақат тенг ҳуқуқли, балки обрў-эътиборли аъзоси бўлиши учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал этишга тўғри келди. Республикамиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг оқилона ташқи сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва маъқуллайди.

Умуман айтганда, сўров давомида юртдошларимизнинг ижтимоий кайфияти ва орзу-умидларида ижобий фикрлар устувор ўрин эгаллагани намоён бўлди. 2008 йилда жамиятимизда ҳукм сурган келажакка бўлган ишонч 2009 йилда ҳам ўз самарасини беришига фуқароларимизнинг ишончи комил.

2008 йил якунлари бўйича ўтказилган ушбу сўров натижалари Ўзбекистон ўз ривожланиш ва янгиланиш моделини амалга ошириши туфайли қисқа давр ичида барча жабҳаларда катта ютуқларга эришганини яққол исботлайди. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолиси ўзини эркин ҳис этадиган қулай ижтимоий муҳит вужудга келди.

«Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2008» тадқиқоти аҳолининг Президент Ислом Каримовга ишончи юксак эканини яна бир карра яққол намоён этди. Давлатимиз раҳбари халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсий ҳамда ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган том маънодаги етакчидир.

«ИЖТИМОИЙ ФИКР» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.

ҲАМ СПОРТДА, ҲАМ ҲАЁТДА ЎРНАК ҚИЗЛАР

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Малика Тўмарис" ғолибаси аниқланди

Юртимизда аёлларни спортга жалб этиш мақсадида турли тадбирлар ва мусобақалар ташкил этиляпти. Айниқса, кейинги йилларда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика маркази томонидан яккакураш турларини янада оммалаштириш мақсадида 2007 йилдан бошлаб "Яккакураш маликалари" танловини ўтказиш яхши анъанага айланди. Бундан икки йил олдин бўлиб ўтган тадбирда 18 ёшдан катта бўлган спортчи қизлар иштирок этган бўлса, бу йилги қатнашчилар ёши 14 дан 17 гача қилиб белгиланди.

Куни кеча пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида навбатдаги танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими ўтказилди. "Малика Тўмарис" номи остида 50 нафарга яқин спортчи қизлар орасидан сараланган ётитаси ғолиблик учун курашдилар. Энг чаққон, уддабурон ва гўзал спортчи қизлар нафақат чемпион бўлишлари, балки оилада, уйда ҳамда ўқишда барчага ўрнак бўлиши кераклигини кўрсатишлари лозим эди. Спортчиларнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Қўйилган ётитта шартни тўлиқ бажара олган анъанавий каратэ-до бўйича кўплаб халқаро мусобақалар ғолибаси Ситора Шойдуллаева "Малика Тўмарис" совринини қўлга киритди. Иштирокчиларнинг барчаси ташкилотчилар эътиборидан четда қолмади, уларга тадбирнинг эсдалик совғалари топширилди. Энг муҳими эса, бу каби тадбирлар аёлларимиз ўртасида спортни янада оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Суннатилла ИСЛОМОВ.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЖОНЛИ ВА БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари иштирокидаги минтақавий семинар ўзига хос ўтмоқда.

Минтақавий семинар

Мунтазам равишда ўтказилаётган мазкур минтақавий семинар иштирокчиларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларидаги билим ва малакаларини оширишда муҳим ўрин тутади.

Минтақавий семинар рахбар кадрларни дунёда, республикамизда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар ва янгиликлар билан янада яқинроқ таништириш имконини беради. Шаҳар ва туманларда иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида тушунча берилади.

Минтақавий семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида қўйилган устивор вазифалар, миллий гоя тарғиботи, ёшлар масаласи, фуқароларнинг маънавиятини янада юксалтириш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тинглайдилар. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар, уларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кенг билим ва тушунчага эга бўладилар.

Дастлабки кунда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси видеоёзуви намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси Акмал Саидов, Тошкент Давлат юридик институти ректори Мирзаюсуф Рустамбоев ва бошқаларнинг Олий Мажлис Сенати билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда ҳокимликлари ҳамкорлигини такомиллаштириш ва бошқа масалаларга доир маърузалари тингланди.

— Семинарнинг юқори савияда ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди вилоят ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Абдишукур Омонов. — Машғулотлар ўтаётган зал энг сўнгги замонавий компьютер ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган.

Семинарда муҳим мавзулар бўйича маърузалар уюштирилади, давра суҳбатлари ташкил этилади. Минтақавий семинар давомида унинг иштирокчилари интернет материаллари, кундалик матбуот нашрлари ва тарқатма материаллар билан таъминланади. Сурхондарё вилояти ҳамда Қарши Давлат университети, муҳандислик-иқтисодиёт институти, вилоят Ёшлар маркази, айрим туманлар билан тўғридан-тўғри телемулоқотлар ўтказилади.

Хусан ТЕМИРОВ
Қашқадарё вилояти

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАСКАНИ

Муэработ туманидаги «Қўнғирот» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида қайта реконструкциядан сўнг замонавий кўриниш касб этган ва сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Муборак Мамадалиева. — «Саломатлик» лойиҳаси доирасида қонни таҳлил қиладиган лаборатория ва замонавий хирургия ускуналари, бошқа тиббий жиҳозлар ўрнатилди. Айни пайтда касалликлар шу ернинг ўзида аниқланиб, тегишли муолажалар қилинмоқда. Бу эса тиббий текширувлар қамровини кенгайтиришга, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга ёрдам бераётир.

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра, ҳозирда воҳада 242 қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги уч йилда уларни замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш учун бир ярим миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Бунинг эвазига қишлоқ врачлик пунктларида клиник ва биологик текширувларни сифатли амалга ошириш, эмлаш, енгил жарроҳлик амалиётларини бажариш ҳамда бошқа муолажаларни ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.
Сурхондарё вилояти

Техника соз, мавсумда ташвиш оз

Чортоқлик уста пахтакорлару ғаллакорлар, боғбону соҳибкорлар жорий йилда ҳам деҳқончиликдан юқори ҳосил олишни мақсад қилишган. Айни дамда шу мақсадга пойдевор қўйишмоқда, яъни экин-тикин мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Жараён

— Техника деҳқоннинг қаноти, — дейди Чортоқ туман машина-трактор парки раиси Азаматжон Жумабоев. — Баҳорги мавсумда қатнашадиган туманимиздаги барча техника ва механизмларни бир жойга жамладик. Таъмирлаш ишларига юз нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар жалб этилди. Улар учун, аввало, устахонамизда қулай иш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, қисқа вақт ичида мавжуд 85 та чопиқ трактори, 58 та чигит экиш сеялкаси, 375 та тишли борона ва бошқа механизмлар сифатли жорий таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шай қилиб қўйилди. Айни кунларда эса "Кейс" ҳамда "Клас-Доминатор" комбайнларини таъмирлашга киришилди. Таъмирлаш ишларида фаол иштирок этаётган ишчилардан Нозимбой Эшонов, Тўламирзо Бобоев, Каримбой Тўйчибоев, Абдуллахон Мансуров, Одилжон Маматолиев, Илҳомбой Юсуфалиев, механизаторлардан Шаҳобиддин Холмирзаев, Мирзабой Иномов, Раҳмонжон Қирғизов, Илҳомбой Ҳамрабоев ва бошқалар алоҳида ўрнак кўрсатишди.

— Маълумки, мавжуд техникаларнинг жойлардан жойларга ҳаракатланишида уларнинг техник созлиги муҳим аҳамият касб этади, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси назорат бўлими катта инспектори, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Тиллабоев. — Шу боис баҳорги дала юмушларида ишлатиладиган техника ва механизмларнинг ҳар жиҳатдан сифатли таъмирдан чиқарилиши қатъий назорат остига олинган. Айниқса, техника рулини бошқараётган шахснинг касбий малакаси ва тажрибаси диққат-эътиборимизда бўлмоқда.

— Вилоятимиз бўйича баҳорги дала юмушларида жами 2035 та чопиқ трактори, 1889 та культиватор, 740 та экиш сеялкаси, 5574 та тишли борона, 303 та чизель, 245 та ер текислаш мосламаларини тўлиқ таъмирдан чиқариш кўзда тутилган, — дейди вилоят машина-трактор парки бирлашмасининг раис ўринбосари Маматхон Икромов. — Булардан ташқари, 178 та юқори унумли дон ўриш комбайнлари ҳам тўла-тўкис таъмирдан чиқарилади. Таъмирлаш ишларида 2780 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи иштирок этмоқда. "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" дейди донолар. Пурмаъно ҳикматга амал қилган Чуст, Норин, Наманган, Чортоқ туманларида таъмирлаш ишлари юқори уюшқоқлик билан ташкил этилган. Шунингдек, бошқа туманларда ҳам бу борадаги ишлар кўнгилдагидек бормоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.
Муаллиф олган сурат.
Наманган вилояти

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

"МЕЛАМИН ИШИ" АЙБДОРЛАРИ СУД ҚИЛИНМОҚДА

2008 йил сентябрь ойида Хитойда гўдакларнинг оммавий равишда заҳарланганги ҳақида хабарлар тарқалган эди. Кейинчалик маълум бўлишича, гўдаклар сут маҳсулотларига меламин моддаси қўшилганлиги сабабли заҳарланган бўлиб чиқди.

Хитойнинг "Саньлу" ва яна 21 компанияси меламин кимёвий моддасини оқсил моддасини ошириш мақсадида ўз маҳсулотларига қўшиб келган. Натижада, 300 мингдан ортиқ гўдак ушбу модда билан заҳарланган, бир қанчаси эса ҳаётдан кўз юмган.

"Меламин иши" Хитойда катта можарога сабаб бўлди. Аҳоли ҳукуматдан айбдорларга нисбатан олий жазо берилишини талаб қилди. Жами "меламин иши" бўйича 21 киши жиноий жавобгарликка тортилган.

Хитойнинг Хебей провинцияси Шицзячжуан шаҳри муниципал суди айбдорлардан бири Чжан Юйцзюнюни ўлим жазосига, яна бирини эса умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Айбдорлар устидан суд иши давом этмоқда.

Манба: rian.ru

КОСОВОДА АРМИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

2008 йил февралда ўзини мустақил давлат деб эълон қилган Косово 2,5 минг кишилик армиясини ташкил қилди.

Косово муқаддам расман Сербия таркибида бўлиб, Югославия урушидан буён амалда Белградга бўйсунмай мустақил сиёсат юргизиб келаётган эди.

2008 йил 17 февралда Сербиянинг қаршилигига қарамасдан Косово парламенти давлат мустақиллигини эълон қилди. Уни биринчи бўлиб Афғонистон, сўнгра АҚШ, Австралия, Италия ва бир қатор Европа давлатлари тан олди.

2,5 минг кишилик мунтазам ва 800 нафар захира қўшинидан иборат армия енгил қуролланган бўлиб, уни ташкил қилишда NATO мутахассислари яқиндан ёрдам берган. "FSK" дея ном берилган ушбу қўшинни Сербия ташқи ишлар вазири Вук Йеремич "ноқонуний қуролланган ташкилот" деб айтган.

Сербия Косовони ҳамон ўз ҳудудининг бир қисми деб ҳисоблайди. Шунингдек, Россия ва Хитой Косово мустақиллигини тан олмаган.

Манба: lenta.ru

ГРЕЦИЯДА ФЕРМЕРЛАРНИНГ ОММАВИЙ НАМОЙИШИ

Греция фермерлари норозилик намойиши уюштириб, 1500 та трактор ёрдамида пойтахт Афинани катталиги бўйича мамлакатда иккинчи ўринда турувчи Салоника шаҳри билан уловчи асосий автотрассани ёпиб қўйганлар.

Жами автотрассанинг 30 километрлик қисми тўсилиб, ҳаракат умуман тўхтатиб қўйилган. Маълумотларга кўра, фермерларнинг тракторлар ёрдамида автомобиль йўлларини тўсиб қўйиш каби норозилик акцияси мамлакат шимоли ҳамда Крит оролида ҳам бўлиб ўтган.

Фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган нархнинг кескин тушиб кетишига қарши ҳукумат ҳеч қандай чора кўрмаётганидан норози. Масалан, пахтанинг нархи ўтган 2008 йил бошига нисбатан 2,5 баравар тушиб кетган. Маккажўхори, буғдойга бўлган нарх ҳам худди шундай. 2007 йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори бўлиб, 2007 йил майидан 2008 йил февралига қадар буғдойнинг нархи икки баравар қимматлашган эди. Буни ҳисобга олган кўпгина мамлакатлар 2008 йилда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтирди, натижада, нархлар кескин тушиб кетди.

Манба: rbc.ua

ГЛОБАЛ ИСИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Олимлар глобал исишга қарши курашишнинг янги усулини яратдилар. "Current Biology" журналининг ёзишича, мазкур усулга кўра селекция йўли орқали ўсимлик барглари ялтироқ тусга киритилади.

Тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, ялтироқ барглар қуёш нурларини қайтариш хусусиятига эга. Бу экинлар альбедосини йигирма фоизга ошириш имконини беради.

Хабарларга қараганда, мазкур усул сайёрамиз ҳароратини бир даражагача туширишга имконини беради. Бироқ экспертларнинг сўзларига кўра, ўсимликларни бу тарзда модификация қилиш ҳосил унумдорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис, бу усулга қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи компаниялар эътироз билдириши эҳтимоли бор.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, олимлар Ер курраси-даги барча уйларнинг томини оқ рангга бўяш ҳам глобал исишга қарши курашишга хизмат қилишини таъкидлашмоқда.

Манба: РИА новости

Азиз НУРУЛЛАЕВ тайёрлади.

ҚИШЛОВ — ЯЙЛОВДАГИЛАР УЧУН ЖИДДИЙ СИНОВ

Ғузор туманида бўлганимизда туман ҳокими Шомурод Донаев қиш-қировли кунларида чорвадорлар олиб бораётган кенг кўламли ишлар, айниқса, "Ғузор" наслчилик ширкат хўжалиги, унинг тиниб-тинчимас чўпон-чўлиқлари меҳнат муваффақиятларини мамнуният билан тилга олди. Табиийки, биз ҳам касб тақозо этган қизиқиш туфайли бу чорвадорлар фаолияти билан қизиқдик.

— Ёзда қиш ғамини емаган чорвадор ютқазади, — дейди хўжалик раиси Маҳмуд Исматов. — Қўй-қўзилар сони 45 минг 900 бошни ташкил этади. Шунинг 23 минг 350 боши совлиқлардир.

Озуқа мўллиги — маҳсулот сероблиги, деб шунга айтсалар керак-да! 2008 йили 6 минг тонна дағал хашак, сомон, каррак, янтоқ тайёрланганди. Чорвадорларимиз томонидан ҳар бир бош қўйга ойига ўртача 150 килограммдан дағал хашак, 8 килограммдан кучли концентрат озуқа берилмоқда. Бу эса 2009 йил тўл мавсумини намунали ўтказишда кенг имконият яратади.

Ҳа, ширкат хўжалигида 5 та кичик ширкат, унинг таркибида 96 та оилавий пудратчилар бўлиб, улар баҳорги қўзилатиш мавсумини ҳар томонлама намунали ўтказишга ҳозирлик кўришмоқда. Айниқса, Али Толипов, Ўрол Тўрахонов, Тош Панжиев, Темир Бердиев ва Аҳмад Махсумовлар бошчилик қилаётган кичик ширкатлар муваффақиятлар кўламини янада кенгайтиришяпти. Абдукарим Холмўминов, Олим Бадатов, Аҳмад Бегимқулов, Бобир Норбўтаев, Тўлқин Абиров, Ботир Норбўтаевлар бошлиқ оилавий пудратчилар ҳар юз бош совлиқдан 110 бошдан соғлом қўзи олишга жазм этишган. Унинг 75-80 фоизи ўстиришга қолдирилади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, оилавий пудратчиларнинг 80 фоизи чўпон-чўлиқлар сулоласини ташкил этади. Айни пайтда Раҳим бобо Алимардоновнинг издоши Чала Раҳимов ҳам яйлови саховатини амалда исботлаган бўлса, истиқлол йилларида унинг фарзандлари Шомурод, Фахриддин, Қўйлилар ҳам авлодлар анъанасини муносиб давом эттиришмоқда. Уста чорвадор, эшонқудуқлик Норбўта Махсумовнинг фарзанди, айни пайтда 80 ёшни қоралаган Раҳмат Норбўтаевнинг фарзандлари Бобир ва Ботирлар ҳам ота-боболари касбини эъзозлашаяпти. Моҳир яйлов баҳодири, жанкаралик Қўчқор ота Турсуновни нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам кўпчилик танийди. 81 ёшли отахоннинг падари бузруквори Турсунбобо ҳам чўпон бўлган. Ҳозирги кунда эса унинг ўғиллари Баҳодир, Эргашлар ҳам сурув ортидан юриб, кам бўлишмаяпти. Буларнинг фидойиликлари туфайли 2008 йилда хўжалик бўйича

Қоракўлчилик

оилавий пудратчиларга 1,5 минг бош қўй-қўзи натура сифатида мукофот қилиб берилган эди.

Оилавий пудратчиларнинг ўн нафардан ортиқ фарзандлари Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида хўжалик ҳисобидан контракт-шартномалари асосида таълим олишаяпти.

Чўпонликка иштиёқманд ёшлар кўп. Уларнинг орасидан ушбу касбга ихлос қўйганлари сараланмоқда. Бугунги оилавий пудратчи олдинги чўпон-чўлиқлардан кескин фарқ қилади. Уларнинг ҳар бири "Нексия", "Дамас", "Матиз" автомашиналари, "КамАЗ", "УАЗ" русумли шахсий транспорт воситаларига эга.

— Ёшим 63 да. Хўжаликнинг ёши улуғ чўпонларидан бириман, — дейди тажрибали қўйчивон Болли Калонов. – Отарларимизга озуқа ва дағал хашаклар ўз вақтида етказиб берилди. Биз хўжалик "Ем-хашакни тайёрлаб беради", деб кутиб турганимиз йўқ. Ўз кучимиз билан ҳам табиий пичан, янтоқ, карракдан озуқа тайёрлаганмиз.

Қишловга тайёргарлик жараёнида юздан ортиқ отар ва қашарлар сифатли таъмирдан чиқарилиб, 30 дан зиёд қудуқлар ҳам шай ҳолатга келтирилганди. Ҳозир хўжалик бўйича 48 та тележкали трактор, кузовли автомашина, ҳар бир кичик ширкатга сув ташийдиган транспорт хизмат кўрсатмоқда. Ғузор, Нишон, Қарши туманлари фермер хўжаликларидан сомон, янтоқ, беда шартнома асосида олинганлиги қўл келяпти.

— Биз қишда ҳам ҳамкору ҳамдаст бўлаётган "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси раҳбариятидан миннатдормиз, — дейди ширкат хўжалиги раиси Маҳмуд Исматов. — 2008 йили ушбу корхона чўпон-чўлиқларимизга 5 тонна ун, 2 тонна ўсимлик ёғини ҳомийлик асосида берганди. Ҳар бир оилавий пудратчига бир қопдан ун, 40 килограммдан ўсимлик ёғи тарқатилди. Корхонанинг 3 та техника воситаси билан дағал хашак йўли оғир узоқ отарларга ўз вақтида етказиб берилди. "Қарши-ёғ", "Косон-ёғ" экстракция қўшма корхонаси, Шаҳрисабз, Яккабоғ дон маҳсулотлари ОХЖдан кучли озуқа олинди. Буларнинг барчаси қишловни хавф-хатарсиз ўтказиш учун тўла имконият яратиб беради.

Ҳа, ширкат хўжалиги ҳисобида 94 минг гектар яйлов бўлиб, унда кўк ва қора рангли қоракўл терилар етиштирилади. Айни пайтда Абдувоҳид, Кенгсой, Тахам, Эшонқудуқ, Жонқора яйловларида қишловни кўнгилдагидек ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Мақсад битта: чорвачилик, унинг муҳим тармоғи — қўйчилик равнақига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қашқадарё вилояти

ОЙНАВАНД ДАЛАДА ойни пишиқчилик

Ипга тизиб қўйилгандек товланиб, кўзни олаётган помидорлар, барра бодринглар деҳқон меҳнатининг самараларини акс эттириб турибди. Фарғона шаҳрига туташ Беш бола қишлоғидаги "Водий ниҳол умиди" фермер хўжалигига қарашли иссиқхонада шу кунларда иш ойни қизғин тус олган.

Уч гектар ердаги помидор, шунча майдондаги бодринг ҳосили пишиб етилди. Улар пешма-пеш териб олиниб, буюртмачиларга топширилмоқда. Эрталаб ҳали соат сакккиз бўлмай иссиқхона ҳовлиси гавжум. Жамоа аъзоларининг барча ҳаракатлари харидорлар талаб-истакларини ўз пайтида, тўлиқ қондиришга қаратилган. Саралаб териб олинаётган маҳсулот кўп ўтмай савдо дўконлари ва бозор расталаридан жой оляпти.

— Харидорлар кўп, шу ой бошига қадар уларга 400 тоннадан ортиқ маҳсулот топширдик. Албатта, бу иссиқхоналар учун мўлжалланган навларни танлаб экиш ва улар парваришини ўз вақтида ташкил этиш самараси, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Маъруфжон Сайдалиев.

Бўйи бир қаричга етиб қолган дуркун кўчатлар ҳам барқ уриб ўсяпти. Кўчатчилик звеноси аъзолари улар парвариши билан шуғулланмоқдалар. Ҳалемай бу ниҳоллар ҳосили тўлиқ териб олинган пайкаларга кўчириб ўтказилади. Хўжалик жамоаси "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да эл дастурхони тўкин-сочинлигига муносиб ҳисса қўшиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: *иссиқхона ишчиси Хурсаной Абдуллаева.*

Музаффар МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

Фарғона вилояти

ФАХРИЙЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Тахиатош шаҳридаги уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийсида ўтган йили Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондан 1650 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари даволаниб, ўзларининг саломатликларини тиклаб олдилар.

– Санаториямиз 75 ўринга мўлжалланган, – деди биз билан суҳбатда бош шифокор Жумагул Алиева. – Бу ерда асосан суяк-мушак ва асаб тизими касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Дам олувчилар учун санаториямизда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, электротерапия, ультратовуш, электромассаж, даволаш ванналари, сув ости массажи, ҳар хил гиёҳлар билан таъминланган фитобар, бошқа даволаш хоналар мавжуд. Барча тиббий ускуналар давлат стандарти назоратидан ўтказилган.

Дам олувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида санаторий қошида "Юлдуз" гуруҳи ташкил этилган. Ҳар байрам кунлари қорақалпоқ эстрадасининг юлдузлари, Тахиатош шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимининг санъаткорлари ўзларининг қизиқарли концерт дастурларини намойиш этадилар. Дам олувчиларга Хўжайли туманидаги зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштирилган.

Бош шифокор Ж.Алиеванинг таъкидлашича, ўтган йили уруш ва меҳнат фахрийлари санаториясига "Шанс-Тахиатош", "Тахиатош темир-бетон" масъулияти чекланган жамиятлари, "Изтлеў-Талгат" фермер хўжалиги, Нукус шаҳридаги "Агроинмонтаж", Тахиатош шаҳридаги ободонлаштириш корхоналари, "Адилбек-НШ" хусусий фирмаси жамоалари ҳомийлик ёрдамини ҳам кўрсатиб турибди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Очиқ акциядорлик-тижорат банк

"ПАХТА БАНК"

мамлакатимизда 2009 йилнинг

"ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

деб эълон қилиниши муносабати билан барча тадбиркор ва ишбилармонларни ҳамкорликка таклиф этади, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга ва турмуш даражасини янада оширишга ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Пахта Банк"**

қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар танловини эълон қилади.

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

1. Лойиҳа мақсади:
– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш;
– чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, сут ва гўштни қайта ишлаш.

2. Лойиҳа қиймати – мижоз буюртмаси асосида.

3. Лойиҳани молиялаштиришга ажратиладиган кредитнинг миқдори 500 миллион сўмгача.

4. Ташаббускорнинг лойиҳадаги улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

5. Кредит таъминоти кредит миқдорининг 120 фоизидан кам бўлмаган ҳолда, лойиҳа асосида сотиб олинадиган технологик ускуна таъминот сифатида қийматнинг 70 фоизи миқдоригача қабул қилинади.

6. Лойиҳанинг қоплаш муддати 5 йилдан ошмаслиги ҳамда замонавий технологик ускуналарга асосланган бўлиши лозим.

Қуйидаги жиҳатларга эга бўлган инвестиция лойиҳалари алоҳида устуворликка эга:
– экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, замонавий ва мослашувчан минитехнологияларга асосланган лойиҳалар;
– энг арзон маҳсулот таннархига эга бўлган лойиҳалар;
– лойиҳа ташаббускорининг ушбу соҳада юқори малакага эгалиги;
– қилинган инвестицияга нисбатан яратилган ишчи ўринлар сони юқори бўлган лойиҳалар.

Танловда иштирок этиш учун "Пахта Банк"нинг барча филиалларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:
– танловда иштирок этиш учун ариза;
– корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлари;
– лойиҳанинг мақсади, стратегияси, технологик ускуна, хомашё базаси, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятлари ҳамда рақобатчилардан устунлик тарафлари, маркетинг тадқиқотлари кўрсатилган Техник Иқтисодий Асос;
– кредит таъминотига таклиф этиладиган мол-мулклар тўғрисида маълумот.

Танлов шартларига тўлиқ жавоб берган лойиҳаларга "Пахта Банк" томонидан имтиёзли фоизлар асосида кредитлар ажратилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар "Пахта Банк"нинг барча ҳудудий филиаллари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (+99871) 150-85-23, 150-53-57.

Хизматлар лицензияланган

Аниқлик киритилади
"Қуйи-Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2009 йил 20 январь 9 (7470)-сонида чоп этилган танлов эълон қилиш ҳақидаги билдирувнинг энг сўнгги жумласи "Жиззах вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади" деб ўқилиши зарурлигини маълум қилади.

ООО "PANATSEVA SERVIS" (код по ОКПО 22219242, ИНН 206940317) зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г.Ташкента, за № 003446-11 от 03.12.2007 г. в соответствии решением учредителя от 21.01.2009 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул.Бабура, дом 65, кв.8. Тел.: 922-44-29.

Утерянный план квартиры по адресу: г.Ташкент, Юнусабад, квартал 17, дом 24, кв. 1, выданный БТИ Юнусабадского района г.Ташкента на имя Сайидова Рашида Хакимжоновича, считать недействительным.

ООО "STANDART OIL" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 600 000 (шестьсот тысяч) сум до 300 000 (триста тысяч) сум и преобразовании в ЧП "STANDART OIL" (код по ОКПО 20312003, ИНН 205745495). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Ташкентская обл., Зангиатинский район, с/с Чигатай Октепа, ул.Шифобахш сувлар, 7. Тел.: 214-39-92.

Утерянное свидетельство № 537592 о восьмилетнем образовании, выданное ср.шк. № 163 Чиланзарского района г.Ташкента (приказ № 11 от 11.06.1994 г.) и диплом о среднеспециальном образовании АС № 073838 (рег. № 0317) от 03.07.1997 г., выданный проф.тех шк. № 7 Учтепинского (бывший Акмаль Икрамовский) района г.Ташкента на имя Леоновой Ольги Петровны, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 09-01/4844 от 17.03.1993 г. права собственности на квартиру на имя Игамбердиев Аманула Шербаевич, считать недействительным.

Утерян земельный кадастр за № 1780565615 и кадастр на здание 6-34/2005 г., выданный службой землеустройства и кадастра недвижимости г.Ташкента на имя Дусмухамедова Бехзодхона Шукратовича.

Қ қинда кўча эшиги олдида: "Чакки, туршак, ёнғоқ... кеп қолинг, тозасидан" дея харидорларни чорлаётган аёлга кўзим тушди. Шаҳарчамизда "дом"лар оралаб, сабзи-пиёз сотиб юрадиганларнинг кўпчилигини биламиз, аммо туршак сотувчини биринчи бор кўришим эди.

ТОМДА ҚУРИГАН ТУРШАКнинг НАРХИ НЕГА ОСМОНДА?

Қизиқсиниб яқинлашдим. Чамаси йигирма килолик бўз қопда туршак олиб келишибди.

— Опа, туршак дориланмаганми? — сўрадим аёлдан. — Кўнглингизга олмангу айримлар олтингугурт кукуни билан ювишар экан...

— Улар қимматга сотиш учун шундай қилишади, — лўнда жавоб қайтарди сотувчи аёл. — Бемалол олаверинг, ўзим болаларим билан том устига ёйиб, қуритганман.

— Бўлди, бўлди, ишондим, тўрт кило тортинг, — дедим-да, қўлимдаги пластмасса пақирчани узатдим.

Идиш тўлди. Хурсанд бўлиб, аёлнинг қўлига тўрт минг сўм пул узатдим.

У юзимга жилмайиб қаради-да "Қолган уч килосининг пулини насия дафтарга ёзиб қўяйинми?" деди бамайлихотир.

— Нега? — тилим каловланиб бошқа гап айтолмадим.

— Сиёб бозорида туршакнинг нархи 5 минг сўм! — аёл жиддий гапира бошлади. — Зўридан оламан десангиз, 7 минг сўмдан 12 минг сўмгача! Жон денг, 4 мингдан бераяпман.

Ориятсизлик қилди. Бир килосини олиб, уч килосини қайтариб беролмадим — юзим чидамади. Ахир, бошимни ғоз қилиб, "4 кило тортинг", дегандим-да.

Уйга кириб, қолган пулни олиб чиқдим. Шундан сўнг сал қараб савдо қиладиган бўлдим.

— Чаккининг килоси қанчадан?

— Бозорда 2 минг сўмдан сотишаётир, майли сиз 1,5 мингдан беракўлинг, — аёл астойдил таклиф этди.

Чаккидан ҳам икки кило олдим. Харид қилган маҳсулотларим табиий, шифобахш хусусияти ҳам бор, аммо нархи...

Ана шу воқеа сабаб туршак, олмақоқи, майиз, қурут, сут ва бошқа маҳсулотларнинг баҳоси хусусида мулоҳазали мақола ёзишни дилимга тугиб қўйдим. Кўп йиллардан билганим Наймантепа қишлоғида яшовчи Аҳмадхон боғбон билан туршак ва олмақоқи тайёрлаш хусусида суҳбатлашдим. У кишининг ўттиз сотиҳча ерда ўрикзори бор. Пишиқчилик даврида ўрикни териб олиб, такрон (тупроқ ва чангдан холи жой) ерда қуритадилар. Шу боис, Аҳмад тоғанинг туршаклари харидоргир, Тошкентдан савдогарлар келиб улгуржисига олиб кетишади.

— Тирамада (кузда демоқчи) беш қоп туршак сотдим, — дейди боғбон мийиғида кулиб. — Уч мингдан кўтарасига бериб юбордим. Биласизми, ўрикдан туршак тайёрлаш жуда машаққатли иш. Кўпчилик офтобга ёяди, қараб турилмаса, қуртлаб кетади. Баъзилар эса қушларга едириб қўйишади. Бизлар ҳаво ҳарорати 40 даража атрофида бўлганида туршак устини енгил оқ сурп билан ёпиб қўямиз. Кечки салқинда очиб шамоллатамиз, қурт тушганини териб ташлаймиз. Ҳашаротлар келмаслиги учун туршак атрофига райҳон шодаларини териб чиқамиз. Шифобахш неъмат-да, атрофида парвона бўлишингиз керак.

Аҳмад тоғанинг гапларидан сўнг туршакнинг нега қимматлиги сабабини англагандек бўлдим. Машаққат чекмасанг роҳат қайда. Бир ҳовуч туршакни қайноқ сувга ивитиб, эрталаб ичсангиз танингиз яйрайди, руҳингиз тетиклашиб мия фаолияти кучаяди.

— Сиздан уч мингдан олса, Тошкентда 5-7 минг сўмдан пуллашади, — дедим астагина.

— Нима қилса, уларнинг иши, — деди Аҳмад тоға бепарвогина. — Уларгаям осонмас...

Қорамўйинлик Ойсифат опадан чаккининг қимматлигини сўрагандим, нақд балога қолдим.

— Бир ярим минг сўмни қиммат деяпсанми, — деди у. — Сигир боқишнинг ўзи бўладими, қорнини сув билан тўлдирсанг, сут бермайди. Мол боқиш осон эмас. Икки бош сигирни болаларим билан парвариш қилиб, ҳафтасига икки килограмм сариқмой, беш кило чакки тайёрлаймиз. Сариқмойни 6 мингдан, чаккини бозорига қараб 1200-1500 сўмдан сотамиз.

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

Шаҳарда яшаймиз-да, қишлоқ ҳаётидан аста-секин узоқлашиб бораётганимизни билмай ҳам қоламиз. Болалик давримиздаги қишлоқ ҳаёти билан бугунги қишлоқнинг орасида анча фарқ бор. Аҳолининг кўпаяётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ортаётганини ўйламаймиз. Туршак сотиб юрган аёл билан тортишамиз, чаккифуруш деб камситаётганимиз Ойсифат опа тортаётган машаққатларни кўз олдимизга келтирмаймиз. Болаларимизга ва атрофимиздаги кишиларга тиб илми султони Ибн Сино бобомиз ўрикнинг шифобахш хусусиятларини, туршакни ивитиб истеъмол қилиш инсон организми нафас йўлларига бебаҳо шифо эканлигини уқтиганимиз ўқтирган.

Урушнинг оғир даврида ва қаҳатчилик йилларида жуда кўп одамларни очликдан ўрик ва бошқа мевалар сақлаб қолган экан.

Ёшлигимизда ойимлар билан бувимларни кўргани тез-тез бориб турардик. Уларни хурсанд қилиш учун, албатта, тансиқ таомлар, ёнига кўшиб қанд-курс ва ширмой нонлар ҳам олардик. Илиқ дийдорлашувдан сўнг, кетар чоғимизда тоғамнинг аёли бувимнинг тайинлашига биноан сумкамизга олмақоқи, туршак ва бошқа қуруқ мева солиб юборар эди. Нонуштада эса дастурхонга қуруқ мевалардан тайёрланган талқон тортилар эди. Ёнғоқ, майиз, тут шиннниси ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Бунинг учун бувим ёз бўйи дарахт тагига тўкилган меваларни авайлаб териб олиб, тоза, соя-салқин жойда қуритиб, қопларга солиб, қишга сақлаб қўяр эдилар. Лекин бозорга чиқариб сотишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Чунки ўғил-қизлари, невара-эваралари кўплиги учун уларга ҳар келганда сумкаларини тўлдириб ўша қуруқ мевалардан тумов ва шамоллашга даво деб бериб юборар эди-да. Биз учун уларни компот қилиб ичиш, айниқса, мазали эди. Вақт ўтиб билдимки, бувимнинг кимлар учундир арзимас бўлиб кўринган саъй-ҳаракатлари қанчадан-қанча оила фарзандларининг саломатлигига фойда келтирган экан. Шунинг учунми ота-онамиз бизларни бувим сингари ҳеч нарсани исроф қилмасликка ўргатганлар. Қишлоғимизда "беш гектар"лик ўриқзор, ундан ҳам каттароқ чорбоғ бор эди. Биз баъзан чорбоққа, баъзан ўрикзорга бориб, у ердаги хуштаъм мевалардан тўйиб-тўйиб еб келардик. У ерда асосан ўрик, олма, нок ва бошқа мевалар бўларди. Биз боғ қоровулидан рухсат сўраб, меваларидан териб келиб, қишга мураббо ва компотлар ҳам ёпиб олардик. Ортганини туршак қилиб қўярдик. Дарахтларда ўриклар тугаб куз яқинлашгач ота-онамиздан сўраб, боғга борардик-да, дарахт тагида тўкилиб ётган данакларни териб келиб, томга ёйиб, қуритиб олар эдик. Қишда, аниқроғи янги йил арафасида уларнинг тенг ярмини қишлоғимиздаги ҳеч ишдан эринмайдиган Иқбол чечага (ойимлар шундай дер эди) шўрданак қилдириб келар эдик. Байрам дастурхонини ана шу неъматларсиз, улардан тайёрланган турли-туман ширинликларсиз тасаввур этиш қийин эди. Бувимлар оламдан ўтгандан буён уйимизда қуруқ мева кам кўринадиган бўлиб қолди.

Ўтган йили ўрик роса мўл бўлди. Шаҳар ва қишлоқларнинг қайси кўчасидан ўтманг, дарахт тагига олтинранг бўлиб тўкилиб ётган ўрикларга кўзингиз тушгандир. Туршак қимматлигининг сабаби қандайдир маънода ёз бўйи одамларнинг ер билан битта бўлиб ётган ўрикни қуритиб олмаганида эмасмикан?

Юртимизда боғ-роғлар йил сайин кўпайиб, қиш мавсумига қуритиб қўйиладиган меваларга ҳам кўпайиб бормоқда. Аммо мева қуритиш усули ўша-ўша: дарахт тагида, томнинг тепасида... Бу ишни бир оз ўйлаб, замонавий усулда ташкил этиш наҳотки мумкин бўлмаса? Мамлактимизда ҳозир фермерлар ҳаракати кун сайин кучайиб бормоқда. Уларнинг кўпи қишлоқ хўжалигининг маълум бир соҳасига ихтисослашган. Тасаввур қилайлик — фермерлар ва аҳолидан мева сотиб олиб, уни қуритиш билан шуғулланадиган кичик корхона ва фирмалар бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунга сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Ҳулкар МАМАТМУРОДОВА,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЖОЙ ТАРИХИ – номида мужассам

Ҳар бир қишлоқ, туман ёки сой, дарёларнинг номлари ўша жой тарихи, табиий шарт-шароити ёки бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилган ҳолда номланишига жуда кўп гувоҳ бўлганмиз. Шу ўринда биз яшайдиган Тошкент тумани Қизғалдоқ қишлоғи номининг келиб чиқишига бирмунча тўхталайлиқ. Бу ҳақда кексалардан сўраганимда улар қуйидагиларни сўзлаб беришди:

– Бу жойлар юз-юз эллик йил муқаддам паст-баландликлардан иборат бўлган. Тошкент шаҳрининг Сағбон, Қорасарой кўчаларида яшовчилар баҳор пайтларида сайлга чиқишган. Улар келишганда бутун теварак-атрофда қип-қизил бўлиб лолақизғалдоқлар очилиб турган. Шунинг учун аҳоли бу жойни Қизғалдоқ деб номлаган. Ҳозирги пайтда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам ана шу ном билан аталади.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, теварак-атрофдаги қишлоқлар, аҳоли масканларининг номлари ҳақидаги билганларимни ёдга тушираман. Чунончи, Кўктерак қишлоғига бу ном берилишига йўлнинг икки чеккасида кўкка бўй чўзган кўк тераклар ўсганлиги, бу теварак-атрофга кўрк бағишлаб турганлиги асос бўлган. Ёки Кўксарой қишлоғининг номи тарихини олиб кўрайлик. Бу ер бошқа юртларга чиқиб кетиладиган ҳудуд бўлганлиги боис савдогарлар қўниб ўтадиган карвонсаройлар, чойхоналар кўп бўлган. Бу иморатлар устунлари ва дарвозаси кўк рангда бўлган. Карвонсаройлиги ва кўк рангда бўялганлигидан келиб чиқилган ҳолда юқоридаги ном берилган.

Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, Ғиштқўприк қишлоғига бундай ном берилишига XIX аср бошларида Зоғариқнинг икки қирғоғини бирлаштирувчи кўприк аҳоли кучи билан маҳаллий хомашё – тахта, ёғоч, ғиштдан барпо этилганлиги асос бўлган.

Қадрият

Маҳаллий жой номларида тарихий ҳақиқат ўз ифодасини топганлиги, улар кўпинча халқ оғзаки ижоди намуналари – ривоятлар, қўшиқларга узвий равишда боғланиб кетиши уларнинг илдизи эл-юрт ҳаёт тарзи, турмуши билан чамбарчас эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Миракбар ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий Университети талабаси.

СПОРТ

"МАШЪАЛ"да янги мураббий

ФУТБОЛ

2009 йилнинг илк кунларида "Машъал" устози Виктор Кумиков "Насаф"га бош мураббий этиб тайинлангач, унинг ўрнини ўринбосарлар билан ишловчи Владимир Бондаренко эгаллаган эди.

Бироқ В.Бондаренконинг "Машъал" жамоасидаги бош мураббийлиги узоққа чўзилмади. Хорижлик мураббийнинг "про" лицензиясига эга эмаслиги унинг фаолиятига чек қўйди. Энди муборакликларга Геннадий Кочинев устозлик қилади. Владимир Бондаренко эса Г.Кочиневга ёрдам беради.

Айни пайтда "Машъал" аъзолари Тошкентдаги "Шодлик Палас" меҳмонхонасида истиқомат қилиб, мавсумга ҳозирланишмоқда. Таркибда ўтган йили жамоа шарафини ҳимоя қилган футболчилардан атиги уч нафари иштирок этмоқда. Булар дарвозабон Михаил Наумов, ҳимоячи Габит Сапаргалиев ва ҳужумчи Ботир Қодирқуловлардир. Таркибга Зафар Холмуродов ("Динамо-С") ва Тўлқин Мирзаев ("ЎзДонгЖу") қўшилишган. Шунингдек, ўринбосарлар таркиби ва "Машъал" академияси тарбияланувчилари ҳам жамоа машғулотларида иштирок этишмоқда. Бундан ташқари, 6-7 нафар украиналик легионерлар ҳам йиғинга таклиф этилган. "Машъал" ўқув-йиғин машғулотларини 1 февралгача пойтахтимизда олиб боради. Жамоа 4 февралдан мавсумга ҳозирликни икки ҳафта мобайнида Туркияда давом эттиради.

"ПАХТАКОР" ярим финалда "ШЕРИФ"га қарши ўйнайди

"МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги" мусобақасида сўнгги 3-4 йилда Ўзбекистон, Озарбойжон ва Молдова клублари камида ярим финалгача етиб келиши анъанага кириб қолганди.

Бу йилги мусобақада Қозоғистон чемпиони ҳам ярим финалга етиб келди. "Актобе" 1/4 финалда Беларусь чемпионатининг бронза медали соҳиби – "МТЗ-Рипо" жамоаси устидан йирик 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Яна бир чорак финал учрашувида Озарбойжоннинг "Интер" клуби Тожикистоннинг амалдаги чемпиони "Регар-ТадАЗ" жамоаси билан куч синашди. Бу босқичда илк бор иштирок этган Тожикистон жамоаси тажрибали рақибларига имкониятни бой берди. "Интер" ҳужумчилари Рубинс ва Гуглиельмоне голлари Озарбойжон чемпионига ярим финал йўлланмасини тақдим этди. Ҳисоб — 2:0. Улар ярим финалда "Актобе" билан куч синашади.

Ярим финалга биринчи бўлиб йўл олган "Пахтакор"нинг навбатдаги рақиби Молдованинг "Шериф" ва Латвиянинг "Вентспилс" жамоалари ўртасида аниқланди. Мазкур учрашувда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолинди. Пенальтилар сериясида омад "Шериф"га кулиб боқди. Асосий таркибнинг беш нафар ўйинчиси Ўзбекистон терма жамоасининг ўқув-йиғинида қатнашиш учун БААга жўнаб кетганини инобатга олсак, ёш "пахтакор"чиларга "Шериф" билан баҳсда осон бўлмайди. "Пахтакор" иштирокидаги ярим финал 23 январь, яъни бугун Тошкент вақти билан 18.00 да бошланади.

Суннатилла ИСЛОМОВ

EXPRESS
tezkor va ishonchli to'lovlar tizimi

Ҳурматли юртдошлар!

Республикамизнинг энг йирик ва Универсал банкларидан бири
Давлат-тижорат "Халқ банки"да
янги "Экспресс" тезкор электрон тўловлар тизими йўлга қўйилди.

МАЗКУР ТЎЛОВ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ЭНДИ СИЗ:

–коммунал ва бошқа маиший тўловлар учун нақд пулда ва пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш;

-интернет ва мобиль телефонлари орқали ҳисоб рақамларингиздаги маблағларни бошқариш, маълумотлар олиш, тўловларни амалга ошириш;

-шунингдек, уяли ва уй телефон тармоқлари орқали барча сўзлашувлар учун тўловларни қисқа сонияларда тўлашингиз мумкин.

Бундан ташқари, республикамизнинг исталган шаҳри ва чекка қишлоғидан Халқ банки бўлимларига топширилган маблағларингизни мамлакатимизнинг исталган ҳудудига тезкор ўтказиш ва нақд пулда олиш каби қатор имкониятларга эга бўласиз.

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗ!

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети томонидан 13.10.2006 йили Кулиев Салим Хакимович номига берилган № 46Т211 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан "SATI QUSH KUPRIK" МЧЖга берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Негосударственный некоммерческий Общественный фонд "APAGA" Свидетельство о регистрации Устава общественного объединения зарегистрировано в Министерстве Юстиции Республики Узбекистан 13 января 2006 года за № 1/1/492, доводит до сведения всех заинтерисованных лиц отчет за 2006-2007 год, составленный на основании Аудиторского заключения. Аудиторская проверка проведена в соответствии с Законом Республики Узбекистан "Об аудиторской деятельности", Законом "О бухгалтерском учете", "Налоговым Кодексом Республики Узбекистан", "Национальными стандартами бухгалтерского учета". Проверка проведена аудиторской фирмой ООО "Аудит-ВАРН". Данная фирма зарегистрирована Министерством Юстиции Республики Узбекистан за № 249 от 18.10.1996 г. и перерегистрирована за № 08-1160/4-а от 15.11.2007 г.

Фонд имеет р/с в Мехнатском филиале АТИБ "Ипотека-Банк" – 20212000904509433001, ИНН 206102511

За период с 01.01.2006 г.-31.12.2007 г. финансовая отчетность Общественного фонда "APAGA" г.Ташкента достоверно отражает его финансовое положение. Совершенные данным хозяйствующим субъектом финансовые и хозяйственные операции соответствуют требованиям законодательствам Республики Узбекистан.

Всего по активу баланса за 2006 г. – 19 421 000 сум, по пассиву – 19 421 000 сум.

Всего по активу баланса за 2007 г. – 20 727 400 сум, по пассиву – 20 727 400 сум.

Уставной фонд сформирован полностью, а именно составляет 3 500 000 сум.

Достоверность баланса подтверждаем.

ООО "LI-VEST PLUS" (код по ОКПО 19881090) зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.Турсунходжаева, 20, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 10.01.2009 г). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 382-16-04.

ЗАО "EKORECJCLING" извещает об уменьшении Уставного капитала с 53 780 000 сум до 38 780 000 сум. Претензии принимаются по адресу: ул.Миракилова, 68а. Тел.: 254-58-97.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР "ИЖ АВТО" ПРЕДЛАГАЕТ
ГАРАНТИЯ 1 ГОД (20 000 КМ)
Форма оплаты - любая
Новогодняя акция!!!
+ ОСГО в подарок
ИЖ - 27175
Ваз-21041
Товар сертифицирован
Адрес: г.Ташкент,ул.М.Улугбек,54 А
Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43 (с 9.00 до 18.00)

Тошкент шаҳар "Ер тузиш ва рўйхатдан ўтказиш кўчмас мулк кадастр хизмати" давлат муассасаси томонидан Хасанова Гулчехра Гулямджановнага берилган ер ижара шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети томонидан 02.09.2006 йили Сотиболдиев Зокиржон Шокирович номига берилган № 46Т010 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план дома, выданный на имя Абдуазимов Тухтасин, по адресу г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул.Генерала Узакова, дом 2, кв.79, 80, считать недействительным.

Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасига қарашли "Шифобахш" илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Қуйи Чирчиқ туманидаги Й.Охунбобоев номли ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиги директори О.Облоқуловга падари бузруквори

ОРЗИ ОТАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Сандамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Рахматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Алитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04.Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 541-99-07; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 505-49-16; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
(!) -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Д.КИРҒИЗБОЕВ
Мусаҳҳих: С.ИСМОИЛОВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-18, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45
18219 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
2345678